

ТОШКЕНТ ОҚИШОМИ

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети ва халқ депутатлари шаҳар Советининг органи

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган.

№ 286 (7. 375)

1990 йил 15 декабрь, шанба

Баҳоси 3 тини.

КЕЛГУСИ ЙИЛ ҲИСОБИГА

ТОШКЕНТ ТУҚИМАЧИЛИК КОМБИНАТИ ИШЧИСИ ЗАЙМА ЭДЕЛЬБЕРГ «УЗ КАСБИНИНГ УСТАСИ» ВА «ЕШЛАРИНИНГ МУРАББИЙСИ» ДЕГАН ИККИ ФАХРИЙ НОМГА САЗОВОР БУЛДИ.

У учинчи ил йигирув фабрикасида пахта ни тиб берадиган дастгоҳда оператор бўлиб ишлайди. Тўққиз йил ичида у ўзи ишлайдиган 6 та машинани жуда яхши билди олди. У узилган пилтани бир неча дақиқада улаб, дастгоҳни ишга тушира олади. Шу сабабли унинг дастгоҳлари деярли бекор туриб қолмайди. Натикада у ҳар ойда режага қўшимча етти тонна таралган пилта ишлаб чиқаради.

Илгор ишчи корхонада биринчилардан бўлиб келгуси йил ҳисобига маҳсулот топшира бошлади.

Ўзбекистон Совет Социалистик Жумҳурияси Президентининг ФАРМОНИ

УРТОҚ Е. В. КРИМОНГА «ЎЗБЕКИСТОН ССЖДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН СОҒЛИҚНИ САКЛАШ ХОДИМИ» ФАХРИЙ УНВОНИ БЕРИШ ТЎҒРИСИДА

Кўп йиллик самарали иш, меҳнатқошлар саломатлигини сақлаш ва тиббий хизмат кўрсатишни ривожлантиришдаги хизматлари, ижтимоий турмушдаги фаол иштироки учун Тошкент шаҳар Собир Раҳимов районидagi 4-поликлиника ренгтенушнуо врач Уртоқ Ефим Викторович Кримонга «Ўзбекистон ССЖда хизмат кўрсатган соғлиқни сақлаш ходими» фахрий унвони берилсин.

Ўзбекистон Совет Социалистик Жумҳурияси Президентининг

И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри, 1990 йил 14 декабрь.

ЎЗБЕКИСТОН ССЖ ПРЕЗИДЕНТИ ҲУЗУРИДАГИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИДА

АДАБИЁТ, САҢЪАТ ВА МЕЪМОРЧИЛИК СОҲАСИДА ХАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕКИСТОН ССЖ ДАВЛАТ МУКОФОТЛАРИНИ БЕРИШ ТЎҒРИСИДА

Адабиёт, санъат ва меъморчилик соҳасида Навоий номи ва Ҳамза номи Ўзбекистон ССЖ Давлат мукофотлари Қўмитасининг 1990 йилги Ҳамза номи ЎзССЖ Давлат мукофотларини бериш тўғрисидаги тақлифлари кўриб чиқилди.

Адабиёт, санъат ва меъморчилик соҳасидаги энг яхши асарлар учун Ҳамза номи Ўзбекистон ССЖ Давлат мукофотлари қўйилганларга берилди:

Мурод Муҳаммад ДУСТГА — «Лолazor» романи учун; Носир Нўрдошев ФОЗИЛОВГА — «Устозлар дарахсида» насрий китоби учун;

Ҳалима Умнатқуллова ХУДОЙБЕРДИЕВАГА — «Муқаддас аёл» шеърли тўплами учун;

Акмажон Тўраевич ИКРОМЖОНОВГА — «Она ер оҳанглари», «Чақмоқ», «Сукунат», «Орол — менинг дардим» триптихидан иборат ранг-тасвир суратлар туркуми учун;

Шароф БОШБЕКОВГА, Олжон СалимовГА, Виктор Константинович МИХАЙЛИЧЕНКОГА, Ойқарам Арқиевна ҲАЛИМОВАГА, Муҳаммадсоли Абдулаевич ЮСУПОВГА — М. Горький номи Фарғона область ўзбек музикали драма ва комедия театри сахнасида қўйилган «Темир хотин» спектакли учун;

Матнбег ЮСУПОВГА — «Хоразм маомларини», «Ўзбек халқ музикаси» 5 жилдги тўплами учун;

Мирзохид Мирсодиқович АШИРОВАГА, Адхам Мирсодиқович АШИРОВАГА — ёғоч ўймакорлигида оид «Пешайвон» меъморий қурилмаси учун.

ПРЕЗИДЕНТ ФАРМОНИ БАЖАРИЛИШИ КЕРАК

Ўзбекистон ССЖ Президенти Н. А. Каримовнинг «Жумҳурият ёшларини ариятга чақиргани ва уларнинг ҳарбий хизматини ўтатишни таъминлаштириш чораларини тўғрисидаги Фармон ҳамда Ўзбекистон ҳукуматининг ушбу Фармонни рўйга чиқариш бўйича чиқарган қарорини барча Ўзбекистонликлар мамнуният билан кутиб олинди.

Совет Армияси сафларига кузги чақирғи давом этаётган шу кунларда бу тадбир учун жавабдор бўлган ташкилотлар бошлиқларининг масъулияти янада ошсин зарур. Халқ депутатлари вилоят кенгашлари, вилоят ижроа қўмиталари, қақрув комиссиялари, вилоятлар ҳарбий комиссарларининг раҳбарлари Президент Фармонини аниқ ва тўла-тўғис бажаришлари керак.

Бунда Фармоннинг жумҳурият ёшларини шу йил куздан бошлаб республика ҳудудидан ташқаридан жойлашган ҳарбий-қурилиш қисмларига чақиргани тўғрисидаги қисмига алоҳида эътибор бериш талаб қилинади.

Ўзбекистон ССЖ Президенти Фармонининг ҳамда у билан боғлиқ ҳукумат қарорининг сўзсиз ва тўла-тўғис бажарилиши учун шахсий масъулиятини вилоятлар кенгашлари, вилоятлар ижроа қўмиталари раислари, вилоятлар қақрув комиссиялари ва вилоятларнинг ҳарбий комиссарлари зиммасига юклади.

ЭЛЛАДАДАН КЕЛИШДИ

ТОШКЕНТГА КРИТ ОРОЛЛАРИДАН ПОЙТАХТ ОЛИЙ ҲУҚУ ЮРТИГА КИРИШ УЧУН КЕЛГАН БИР ГРУҲ ГРЕК ЕШЛАРИНИ ЖУМҲУРИЯТ ОЛИЙ ВА УРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРИНИНГ УРИНБОСАРИ Э. И. ФОЗИЛОВ КАБУЛ ҚИЛДИ.

Урашувда жумҳурият олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги қошидаги «Узинтеробразование» хўжалик ҳисобиди бирлашма раиси Г. И. Ойхўжаев ва «Совет стади интернейшл» грек фирмасининг президенти Дмитрий Зиргас қатнашдилар. Грек талабалари тизорат асосида тахсил оладилар.

Бундай тақрибга Совет Иттифоқида биринчи бор қўлланилмоқда. Ҳар бир талаба учун жаҳон даражасига мос келадиган муайян маблағ тўланади. Олинган пуллар олий ўқув юртига моддий-техника базасини яхшилашга ва бизнинг талабаларимизнинг шу хусусдаги масаласи икюбий тарзда ҳал этилган тақдирда хорикий элларда ўқишга тўланади. «Узинтеробразование» бирлашмасининг ташкил этилиши ана шундай тақрибани синб кўриш учун имкониятлар очди.

Бундай тадбирни ўтказиш учун нима сабабдан Тошкент шаҳри таллаб олинди, деган саволини грек фирмасининг президенти Дмитрий Зиргаснинг жавоби шундай бўлди:

— Менинг ўзим Тошкент политехника илмгоҳини туғаллаганман, сининг шаҳринида анча вақт яшадим ва уни севиб қолдим. Бу ерда менинг кўпгина дўстларим бор, шу боисдан таълим соҳасида алоқалар ўрнатил хусусида гоё пайдо бўлганида биринчи шаҳар сифатида Тошкент номи тилга олинди.

Жумҳурият Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигида мени ҳар томонлама қўллашувватлашди, жуда қисқа муддат ичида — уч ой мобайнида барча масалалар икюбий ҳал этилди.

Қозғира бор-йўғи олти грек йилги яқин вақт ичида Тошкент Давлат тиббиёт илмгоҳи, Тошкент политехника илмгоҳи ва жисмоний тарбия илмгоҳида маҳсулотларини бошлайдилар. Ленин ўқийдиган ёшларнинг сонини кўпайтириш режалаштирилмоқда. Келажакда эса ана шундай алоқаларни бир қатор араб давлатлари ва Ҳиндистон билан ўрнатмоқчимиз.

Ҳалики ишларини янада яхшилашга асос бўлади. Бирлашма қарамониди уй-жой ва етоқхоналари малакали сантехникларга ижарага бўлиб берамиз. Пировадиди камчилик ва нуқсонларини ўз вақтида бартараф этган ишчиларимизнинг маошини ошириб бораемиз. Бундай усул иттифоқимизнинг қўлига йирик ишлаб чиқариш корхоналариди аллақачон амалга оширилган. Ижара лудратига ўтиб ишлаганин афзалликларни ва моҳиятини, унинг икюбий натижалари сарҳисоб қилди, деган умиддаман...

Биз иссиқ ва шинам етоқхоналарини, ёш оилаларга берилган уйлорни айланиб кўраемиз, унда йилчилардан фақат яхши гапларни эшитгим. Бу ердан чиқарганимиз қишни мавсумини ҳам хонадон ағалари иссиқ уйлорда ўтказишларига амин бўлдим. Ахир, уйи иссиқнинг қўлиги тўқ, деб бежиз айтмаган халқимиз.

Р. АКБАРАЛИЕВ.

СУРАТДА: Б. Эгамбердиев хонадон сохибаларининг тақлифлари билан қизмоқда.

Т. Каримов суратлари.

ЯНГИЛИКЛАР, ВОҚЕАЛАР, ШАРҲЛАР



Бугун—«Тошкент трактор заводи» бирлашмасида

РЕЖА ОРТИҒИ БИЛАН

ССЖИ 50 йиллиги номидаги «ТОШКЕНТ ТРАКТОР ЗАВОДИ» ишлаб чиқариш бирлашмаси жамоаси ўртасидаги УЗАРО СОЦИАЛИСТИК МУСОБАҚАДА НИКОЛАЙ АЛЕКСЕЕВ БОШЧИЛИК ҚИЛАЁТГАН БРИГАДА АЪЗОЛАРИ ПЕШҚАДАМЛИКНИ ҚУЛДАН БЕРМАЙ КЕЛИШАПТИ.

Жамоа ноябрь ойи режасини ҳам муддатидан илгари адо этди. Бу ерда бир ой давомида «МТЗ-80» маркали тракторлардан 517 таси йиғиб берилди. Бу муваффақиятда бригаданинг Т. Иноғомов, Г. Федосов, М. Ибрагимов каби ишчиларининг муносиб улдушлари бор.

Пешқаддам бригаданинг мусобақадоши бўлмиш Ю. Алюсаниев бошчилигидаги жамоа ҳам ўз мусобақадосидан ортида қолмапти. Бу ерда ноябрь ойида пландаги 145 ўрнига 155 та ҳаво пуркагич ишлаб чиқарилди.

СОВРИНЛАР ТОПШИРИЛДИ

Яқинда БИРЛАШМА ЕТОҚХОНАЛАРИ ўртасида йИГИТЛАРИНИНГ ўЗИГА ХОС МУСОБАҚАСИ БУЛИБ ўТДИ.

Мусобақа шартига кўра фахрий ўринларни эгаллаган йигитларга учта — 50, 40, 30 сўмлик совринлар таъсис этилган эди. Баҳс якунига кўра иккинчи етоқхона вакиллари А. Маҳдалиев ва И. Манановлар мусобақа гойибларини деб топдилар. Қолган фахрий ўринларни 8-ётоқхонадан А. Сарибоев ва А. Сулаймоновлар эгалладилар.

Мусобақани ташкил этиш ишига бирлашма комсомол комитети ва касаба уюшмаси муносиб ҳисса қўшдилар.

ОХУНБОВЕВ номи Тошкент бош кийимлар фабрикаси маҳсулотларига бўлган талаб йил сайини ортиб бормоқда. Корхонада ишлаб чиқарилаётган бош кийимларнинг харидориги бўлишида фабрика тикувчиларидан Саодат Абдуллаеванинг муносиб ҳиссаси бор. Бу моҳир чевар уч йилдан бери корхона ютуғига ўзининг камтарин улдушини қўшиб келмоқда.

Қурилиш майдонларида

ЯНА БИР БИНО

ШАҲРИМИЗНИНГ БЕШЕҒОЧ ДАҲАСИ ТСОБОРА КЕНГАЙИБ БОРМОҚДА. БУ ЕРДА КўПЛАБ ТУРАР ЖОЙ БИНОЛАРИ, МАДАНИЙ-МАИШИЙ ОБЪЕКТЛАР ҚУРИЛИБ, Фойдаланишга ТОПШИРИЛМОҚДА. КУНИ-КЕЧА БУНЕДКОРЛАР ДАҲАДА 63 ОИЛАГА МУЛЖАЛЛАНГАН Тўққиз ҚАВАТЛИ ТУРАР ЖОЙ БИНОСINI БИТКАЗИБ БЕРИШДИ.

Ушбу бинонинг ер остини қисминини

бунёд этишда 2-ўйсозлик комбинатига қарашли 4-қурилиш бошқармасининг А. Кашенко бошлиқ бригадаси аъзолари самарали меҳнат қилдилар. Тиклаш ишларини эса юқоридидаги комбинатга қарашли 3-тиклаш бошқармасининг А. Ну. перман бошлиқ бригадаси аъзолари сифатли қилиб бажардилар. Янги бино лойиҳаси «Ташгирогор» жамоаси томонидан қилиб берилган.

ИЖОДИЙ ПАРВОЗ

БУНДАН БЕШ ЙИЛ МУҚАДДАМ МАЗКУР БАДИИЙ ХАВАСКОРЛИК ЖАМОАСИ ДАСТАБКИ КОНЦЕРТ ДАСТУРИНИ ТАЙЕРЛАБ САҲНАГА ОЛИБ ЧИҚҚАН ЭДИ.

Ушунда ёшлар ва талабаларининг Жаҳон фестивалига бағишланган таяловлар ўтказилганди. Тошкент Давлат дорилфунуни маданият саройида янги тузилган «Ўзбекистон қизлари» дастаси ҳам ижодий кўришга қатнашиб, бу имтиҳондан муваффақиятли ўтди.

Таниқли санъат устаси Қўндуз Миркаримова бошчилигида саҳналаштирилган миллий рақслар гулдасиси «Ўзбекистон қизлари» ижросида ўзига хос жозиба ва ажиб кўриниш касб этди. Даста аъзолари таялов соҳиб бўлиб, биринчи даражали диплом билан тақдирланди.

Бу муваффақият жамоани янги ижодий

дуй ютуқлар сари дадил олтирдирди. Еш истеъдодлар Болгария ва Чехословакияда бирин-кетин ижодий сафарда бўлдилар. Уларнинг ҳар бир чикиши миллий рақслар билан алмашиб туради.

Даста жамоаси қардош жумҳуриятлар миллий ўйинларини ўрнига қўйиб ижро этмоқда. Эндликда «Ўзбекистон қизлари» концерт дастуриди чет мамлакатлар халқларининг кўпгина рақслари ҳам бор. Гўзал ҳинд рақсларини ўрганишга ҳам киришилди. Шўхчан индонезча рақслар мухлисларга тақдим этилди. Аини бир вақтда Шри Ланка халқ ўйинларини постановка қилиш учун тайёргарлик қўрилмоқда.

Ана шу жозибали рақслар дастанинг янги концертидан нег ўрин олади.

С. ОДИЛОВА.

ЎЗБЕКЧА ТАҚВИМ

ХАЕТДА ҳамма нарсанинг ўз ҳисоб-китоби бор. Кун, ҳафта, ой — барчаси вақт билан ўлчанади, умр оёу йиллар билан сарҳисоб қилинади. Бунда тақвим —

календарь жуда қўл келанидир. Мана, бир неча йил бўлдики, Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси бошқарув хайъатининг нашлаб бўлими ана шундай зарурий


иртма ўзбекча календарь (тақвим) чоп этиб келмоқда. — Янги — 1991 йилги ўзбекча тақвим муқоваси рамзий юлдуз, қор, арча, гул ва ҳаво ранг билан бе-

затилган. — дейди нашлаб бўлими мудири Абдусамид Обидхўжаев. — Яна шуниси эътиборликки, иртма тақвим бу йил — янги чоп қозоғида чоп этилди. Унинг биринчи вақаринда йил санаси ва буюк ўзбек шоири Алишер Навоий сиймоси акс этган.

Тақвим муштарийлари ҳар кунги саналар, воқеалар, меҳнат илгорлари, буюк аломалар, давлат арбоблари ҳақидаги сермазун мақоалалар, ҳикматномалар, шеърлар, қўшиқлар, ихчам ҳикоялар билан танишадилар, бир неча вақарларда эса тур-

мушда қўлланиладиган фойдали маслаҳатлар ҳам берилган.

Ўзбекча тақвим ярим миллион нусхадда чоп этилган бўлиб, аини кунларда китоб ва рўнома-обнома дўкончаларидан харид қили олиш мумкин.



РЕСПУБЛИКА ПОБЯЗАЛ МОДАЛАРИ УЙИДА ТАЙЕРЛАНЁТГАН МАХСУЛОТЛАР ҲАМДА ИШИҚЛИГИ БИЛАН АЖРАЛИБ ТУРАДИ.

СУРАТДА: модалар уйининг усталари Д. Ашурова, В. Нўрдошев, цех бошлиги А. Қожихоновлар янги ишлаб чиқариладиган маҳсулотнинг дастлабки нусхасини кўздан кечирмоқда.

Р. Шарипов сурати.

Шу куннинг мавзуида

УЙИ ИССИҚНИНГ ТАШВИШИ ЙЎҚ



ҲАР бир корхона ва ташкилот фаолиятида мураккаб даврлар бўлади. У жамоанинг ҳар бир аъзосидан зиммасидаги вазифага алоҳида масъулият билан қарашни, ишга пухта тайёргарлик кўришни тақозо этади. Шаҳар коммунал хўжалиги, турар жой даҳалари ва мавзеларини иссиқлик билан таъминловчи «Таштлокоммуэнергo» ишлаб чиқариш бошқармаси, қозаверса, ҳар бир уй-жойлардан фойдаланиш участкалари учун қиш мавсуми ана шундай сивов даври ҳисобланади. Шу билан бирга пойтахтимизнинг йирик ишлаб чиқарувчи корхоналари оталигидаги уй-жой бинолари ва етоқхоналарининг кузги-қиши мавсумига шай қилиб қўйилгани албатта, корхона маъмурияти зиммасидадир.

Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги машинасозлиги ишлаб чиқариш бирлашмасининг оталиқ тасарруфидида турар жой бинолари ва етоқхоналарининг қишқи мавсумига шай қилиб қўйилганга анча

бўлди. Мавжуд учта тўрт қаватли уйлорнинг томи сақич суриб таъмирланди. Синган эшик ва деразалар ямалиб тузатилди. Иссиқлик қувурлари жорий кўриқдан ўтказилиб, чўйи испитчилар янги-яна алмаштирилди. Учта тўрт қаватли ёшлар етоқхонасининг сантехника жихозлари таъмирланди. Иситиш ускуналарининг камчилик ва нуқсонларини бартараф этилди.

— Тўртта ёш болам бор, — дейди 3-уйнинг 18-хонадонда истиқомат қилувчи Фарида Ражабова. — Ўтган йилги қиш мавсумида анча қийналдик. Уйимиз яхши иситилмади. Бунинг устига иссиқлик қувурлари бот-бот тешилиб турди. Бу йилги қиш мавсумига завод раҳбарлари астойдил гайрат билан киришилди. Натикаси эса ёмон эмас. Мана ўзингиз кўриб турибсиз уйимиз иссиқ, қўнглимиз эса тўқ.

— Ўтган йилги қишни электр иситгич билан ўтказган эдик, — дея суҳбатта қўшилди 2-ёшлар етоқхонасининг тарбия-

чиси, фирқа аъзоси Тўлқинжон Остонов. — Бу йил нафақат иссиқлик қувурлари, шуниингдек, санитария-техника жихозлари ҳам тўла кўриқдан ўтказилиб, баъзилари янги-яна алмаштирилди.

— Бу ишларда албатта Бахтиёр ананинг ҳиссаси катта, — дея таъкидлади шу етоқхона соҳибни Б. Пиримов. — У киши ёз буйи роса тер тўкиб ишлади.

Биз бирлашма директорининг уй-жойлардан фойдаланиш ишлари бўйича муовини Бахтиёр Эгамбердиев билан суҳбатлашдик.

— Ҳақиқатан ҳам ўтган йилги қиш ташвишлари биз учун сабоқ бўлди, — дейди у. — Турар жой бинолари яхши иситилгани туфайли хонадон сохиблари ва сохибаларининг ҳақини эътироз ва шикоятларига кўнглиб истиди. Бу йилги таёргарликни эса ёз ойидаёқ бошлаб юбордик. Келаси йилдан бошлаб эса ижара пудратига ўтиб ишламоқчимиз. Бу эса ўз навбатида коммунал хў-

жалик ишларини янада яхшилашга асос бўлади. Бирлашма қарамониди уй-жой ва етоқхоналари малакали сантехникларга ижарага бўлиб берамиз. Пировадиди камчилик ва нуқсонларини ўз вақтида бартараф этган ишчиларимизнинг маошини ошириб бораемиз. Бундай усул иттифоқимизнинг қўлига йирик ишлаб чиқариш корхоналариди аллақачон амалга оширилган. Ижара лудратига ўтиб ишлаганин афзалликларни ва моҳиятини, унинг икюбий натижалари сарҳисоб қилди, деган умиддаман...

Биз иссиқ ва шинам етоқхоналарини, ёш оилаларга берилган уйлорни айланиб кўраемиз, унда йилчилардан фақат яхши гапларни эшитгим. Бу ердан чиқарганимиз қишни мавсумини ҳам хонадон ағалари иссиқ уйлорда ўтказишларига амин бўлдим. Ахир, уйи иссиқнинг қўлиги тўқ, деб бежиз айтмаган халқимиз.

Р. АКБАРАЛИЕВ.

СУРАТДА: Б. Эгамбердиев хонадон сохибаларининг тақлифлари билан қизмоқда.

Т. Каримов суратлари.

Wajida o'qib olingot

Табиатнинг товланадиган тошлари **ЖАВОХИРЛАР САНДИФИНИНГ СИРИ**

Хурматли муҳаррирлар! Табиатда табиий тошлардан ташқари сунъий, қimmatбахо тошлар қандай яратилган! Шу ҳақда маълумот берсангиз.

Салом билан, Т. Ғайдуллаев, Тошкент вилояти.

ҚИММАТБАҲО жавоҳирлар табиатда кам тарқалган, уларни қидириб топиш ҳам мушкул. Шунинг учун уларнинг ўрнини боса олувчи сунъийларнинг яратиш қадимдан орзу қилиниб келинганлиги маълум. Азаладан ташқи қисми табиий жавоҳирдан, ички қисми эса арзон ялтироқ тошлардан ясалган зебу-зийнат безалар, соғва ва буюмлар қўллаб ишланган.

Олимлар табиий қimmatбахо тошлар сирларини очиб беришга кўп уриндилар. Сунъий олмосни яратиш учун дунё донолари салкам уч юз йил тўрт тўқиб меҳнат қилдилар. Сунъий олмосни яратиш қийин бўлди. Олмос синтезининг қийинлиги аввало техниканинг ҳали ўсиб ривожланмаганлиги, эсоб-ўскуна ясалувчи металл қотишмаларнинг унча пишиқ эмаслиги ва энг муҳим жараёни қай шароитларда олиб борилишининг номаълумлиги сабабли эди. Кўп тажрибаларда олимлар олмос ўрнида графитни қўлга киритиб, бошлари қотарди. Графитнинг ўта юмшоқлиги, олмоснинг эса ўта қаттиқлиги масалани ечишни қийинлаштирди. Муаммони рус олими О. И. Лейпунский ечди. У термодинамик ҳисоблар ўтказиб, углероддан олмос синтез қилиш учун камида 1700 — 1800 даража иссиқлик ҳарорати ва олтинш минг атмосферадан юқори бўлган босим зарурлигини айтди. Уша даврларда Лейпунский фикрларини техниканинг орада эҳкалиги туфайли амалда текшириб қўришни иложи бўлмади. Бунга урушдан кейин АҚШ олимлари амалга оширадилар. П. Брижмен 100 минг атмосфера босим бера олдиган пресс яратди.

1953 йилнинг 15 февралда миллати швед бўлган Э. Лундстрем АҚШ ва Швециянинг қўшма саноат компаниясига тегишли молабиде олмос синтез қилиб олади. Олим патент олмади ва олган маълумотини эълон қилмади (балки фирма бунга таъқиқ қилган ёки ишлар сир сақланган бўлиши мумкин, буниси бизга номаълум), аммо кейинчалик олмоснинг биринчи синтези АҚШда ўтказилди, деган фикрлар илимий адабиётга кириб келади.

1954 йилнинг 16 декабрда америкалик олими Х. Т. Холл сунъий олмос синтез қилганини эълон қилади. Шундан кейин дунёнинг йирик давлатларида сунъий олмос яратишга қизиқиш кучаяди. Дастлабки совет сунъий олмосини академик Л. Ф. Верещагин бошчилигидаги бир гуруҳ олимлар синтез қилиб олишди. Бу йилки муваффақият эллик йиллар олмида юқори босимлар физикаси билимигоҳида амалга оширилди. Олтинчи йиллар бошларидаёқ Ватанимизда сунъий олмослар саноат миқёсида ишлаб чиқарила бошланади. Кейинги орада аср нобайида мамлакатимиз бундай олмослардан анчагинасини хорижий ўлкаларга экспорт қилади.

Сўнгги пайтларда япон олимлари ва мутахассислари денгизлардан олмувчи қimmatбахо тошлар — марварид, дур ва маржонларни сунъий ўстиришда ажойиб ишининг урдадасини чиқарди. Секунд-ўн йил давом этадиган ўсиш жараёни вақтини икки-уч баравар қисқартириш ва етиштирилган сунъий тошлар сифатини юқори кўтариш, йириклаштириш, ранги ва товланишини янада яхшилаш каби ишларни амалга ошириш кўзда тутиляпти.

Ҳозирги вақтда чет эллардаги сингари бизнинг мамлакатимизда ҳам турли кристаллар ўстириш саноати кенг йўлга қўйилган. Бу ишининг муҳимлигини тушунириб ўтиришимиз ҳолати йўқ, албатта. Жойи келганда бундай муҳим ишни турли маъдан бойликларга тўла жумҳуриятимизда ҳам вужудга келтириб, амалга оширишни ўйлайдиган вақт келганини эслатиб ўтамиз. Бундай ишларни амалга оширишда хорижий мамлакатлардаги тажрибаларни ўрганиш, беъзи фирмалар билан ҳамкорлик қилиб валюта топиш ва жумҳуриятимиз бойлигини кўпайтириш ҳақида қайғуришимиз лозим.

Қудрат АХМЕРОВ, кимё фанлари доктори, профессор.

OOST-WEST HANDELSDAGEN



УШБУ сатрлар муаллифи ҳам аъзо бўлган делегация таркибда Ўзбекистон жумҳурияти амалий доираларининг вакиллари бор эдилар. Делегация аъзолари юқорида таъйинланганликдан ташқари «Шарқ-Ғарб» тижорат кунларида иштирок этдилар. Кортрейк шаҳри тўғрисида бағишланган ушбу халқаро анжуманда АҚШ, ССЖИ ва Европа ўртасида иқтисодий ҳамкорлик масалалари қараб чиқилди. Халқаро анжуман мажлисларида ҳозирги муносабат масалаларига дахлдор бўлган кўплаб маърузалар тингланди, ишбилармон кишилар ўртасида музокара-лар бўлиб ўтди. Ана шу маърузалар ва музокарадан кейин турдош корхоналарга ташрифлар буюрилиб у ердаги иш жараёни билан, технологик жараёнлар билан танишилди.

Шунга айтиш керакки, тижорат кунларида Тошкент шаҳар Кенгашининг депутатлари, жумҳуриятимиз ва шаҳримиздаги йирик корхоналарнинг раҳбарлари — «Малика» трикотаж ишлаб чиқариш, «Шарқ гули» бадий буюмлар, «Махлопоқ» ишлаб чиқариш бирлашмалари, Ўзбекистон ташқи иқтисодий бисотхонасининг, «Ўзбекфильм» киностудиясининг, «Сайёҳ-интур» бирлашмасининг, Хивадаги гилам ва Бухородаги ип-газлама комбинатларининг, Ўзбекистон тўқимачилик машинасозлиги бирлашмасининг раҳбарлари, тури соҳа ва иқтисодиётдаги Ўзбекистон амалий доира вакилларининг катта гуруҳи қатнашди.

Халқаро анжуманининг ҳар бир эрта-лабки мажлисларида у ёки бу масалалар хусусидаги маърузалар тингланган, уларда мамлакатларнинг элчи-хоналари вакиллари доирасида расмий кишилар иштирок этган бўлса, унинг иккинчи ярмида ишбилармон ва амалий кишилар билан шахсий алоқалар ўрнатилган юзасидан қизғин баҳслар ва мулоқотлар бўлиб ўтди, ўзбек либослари ва америкалик уста Стивен Ирек яратган либослар намойиши ўтказилди... Ана шу нуқта назардан олиб қараганда бу ерда ўтказилган Америка, Совет ва Европа кунлари жуда қизиқарли бўлди. Совет кунининг жумҳуриятимиз билан танишишдан бошланган, анжуманлар залининг фойбесида миллий буюмларимиз ва совгаларимизнинг савдо-кўрғазмаси ташкил этилди. Унга тижорат кунлари ва халқаро анжуман қатнашчиларининг қизиқиши айниқса кучли бўлди. Шу бондан бўлса керак бизнинг кўпгина миллий буюмларимиз бажонидиллик билан харид қилинди, даромаддорлар эса ана шундай маҳсулотларни ишлаб чиқаришни ташкил этиш бўйича бир қанча саволларни бизнинг корхонамиз раҳбарларига бердилар ва улардан батафсил жавоблар олдилар.

— Ана шундай амалий мулоқот жуда катта наф беради, — дейди тижорат кунларининг қатнашчиларидан бири, Тошкентдаги «Малика» трикотаж ишлаб чиқариш бирлашмасининг бosh директори Р. М. Ғуломов. — Бунга мен ўзим бу ерда гуруҳи бўлган ва олиб борган мулоқотларим пайтида тўла ишонч ҳосил қилдим. Жумладан, биз Гринвиллдаги «Варинг Корпорейшн» трикотаж маҳсулотлар ишлаб чиқариш фирмаси билан технологик ахтирлар масаласида келишиб олдик. Агар улар бизларга ўз машинасини бера Тошкентда маҳсулот ишлаб чиқаришимиз мумкин. Швейцариянинг Бельгиядаги интерпластна фирмаси пункти бор. Маълумки, у матоларга гул босадиган фирмадир. Биз шулардан битта машина олганмиз. Келгуси ойда Швейцария фирмаси вакили Тошкентга келиб ана шу машинани ишлатишга ёрдам бера-

ди. Тижорат кунларининг яна бир амалий томонларидан бири шундаки, биз бир қанча шахсий фирмаларга ҳам ташриф буюрдик. Соҳамизга яқин бўлган бу фирмаларнинг вакиллари билан амалий музокара-лар олиб бордик. Ўйлаёманки, бу музокара-лар ўз самарасини беради.

Ана шундай фикрларни тижорат кунларида ва халқаро анжуманда иштирок этган ҳар бир делегация аъзосидан эшитиш мумкин.

Ҳа, бундай амалий алоқалар, шаҳар-

таъкидлаб ўтишни истар эдик. Маълумки, қадимдан Тошкент ва Кортрейк шаҳарлари тўқимачилик марказлари сифатида доврў қозонган эди. Бунга қаранги ҳозирга келиб бу шаҳарлар бир-бирлари билан биродарлик иплари-ни ҳам боғладилар. Бу борада дастлаб-ки қадамлар қўйилди. Бу нарса иқтисодий ва маданий соҳада кўлга ташлана бошлади. Жумладан, ўтган йили Бельгияда Ўзбекистон кунлари бўлиб

генияда бир гуруҳ ўзбек рассомларининг келишини кутишяпти. У ерда ўзбек мусаввирлари асарлари кўрғазмаси ва савдоси ташкил этилади. Маданий соҳадаги бундай алоқалар албатта ҳар қандай таҳсинга лойиқдир. Шу ўринда оқшомхоналарга яна бир янгиликни айтиб ўтмоқчимиз. Бельгиялик журналист Жеф Ғоссойт «Оқшом» рўзномаси журналистларининг меҳмони бўлди. Ҳозирги пайтда у Бельгияда чиқадиган энг оммавий рўзномалардан бирига ўзининг туркум мақолаларини тайёрла-

чегара билмайди. Бундай дўстлик, биродарлик алоқалари улар ўртасидаги ҳамкорлик ришталарини янада кенгайтириш ва мустаҳкамлашга хизмат қилади. Кортрейкдаги амалий уч-шувлар, тижорат кунларидаги баҳс ва мунозаралар, олиб бориладиган музокара-лар ушбу фикрнинг тўғрилигини яна бир бор исботлади. Тўрт кун давом этган халқаро анжуман АҚШ, ССЖИ ва Европа ўртасида 90-йиллардаги муносабат масалаларини қараб чиқди. Дастлабки қадамлар, дастлабки яқунлар бу музокара-лар хайрли бўлишидан, унинг келажакда яхши мева беришидан далолат бериб турибди. Ана шу ўринда «Кортрейк — 800» нотижорат уюшмасининг, раиси Э. де Бетюнинг «Мана 8 асрдирки, Кортрейк шаҳри ўз хартиясида эркинлик ва имтиёزلарга эга бўлди. Ана шу воқеанинг 800 йиллигини бутун нишонлаётган Кортрейк маданий-иқтисодий аҳамиятга молик тадбирни ўтказишга ихтиёр эди. Бу нарса у эришган ютуқлар даражасига мосдир ва у бизни жаҳоннинг бошқа мамлакатлари билан, жумладан Совет Иттифоқи ва Америка Қўшма Штатлари билан ошно этишга имкон берган бўлур эди.

Бунинг учун эса бизларнинг ана шу мамлакатлар элчи-хоналари билан бир неча бор алоқа боғлашмиз. Принципл ва Ўзбекистондаги ҳокимият органлари ваколатхоналарига ташриф буюришимиз, уларни Кортрейкда қабул қилиб олишимиз, шу йўсинда иқтисодий ҳаракатдаги аниқ имкониятларни ўзимизга очиб олишимиз керак эди.

Америка, Совет ва Европанинг мутасадди раҳбарлари билан ҳамкорликда ташкил этилган ушбу учрашув турли мамлакат вакилларига бир-бирлари билан танишиш ва шерикликнинг у ёки бу усулини ишлаб чиқишга имкон беради. Чиндан ҳам Кортрейк минтақаси ўз худудида ана шу икки буюк миллат ўртасида ўзига хос кўприкни бунёд этишдан, Шарқ билан Ғарб ўртасида алоқалар ўрнатилишидан ва улар ўртасидаги иқтисодий муносабатларини қўллаб-қувватлаш имкониятига эга бўлганлигидан жуда манфаатдордир. Бу борада Кортрейк ана шу учрашув жойи сифатида хизмат қилиши мумкин. Шу бондан «Шарқ-Ғарб» учрашув кунлари кўзданнатилган натижаларни беришидан умидворман», деган сўзларини келтирар эканмиз, Ўзбекистон жумҳуриятининг бориб, ана шу тижорат кунлари доирасида ўтказилган халқаро анжуманда қатнашган делегациянинг ҳар бир аъзоси дилидан ана шундай эзу ҳис ва илқ туйғуллар ўтганлигини айтиш билан бирга азиз муштарийларимизга Тошкент билан биродарлик алоқаларини ўрнатган Бельгиянинг Кортрейк шаҳридан олинадиган дастлабки таассуротлар ҳақидаги бутунги лавҳамизга шу ерда сўнгги нуқта қўйиб, ана шу шаҳар ҳақида, унинг иқтисоди, тарихи, маданияти, кишилари тўғрисида «Ошом» рўзномаси саҳифаларида мавриди келганда батафсил ҳикоя қилишга жазм этганлигимиздан ҳам уларни хабардор қилиб қўймоқчимиз.

Солиҳ ЕҚУБОВ,

Бельгиянинг Кортрейк шаҳрида ўтказилган «Шарқ-Ғарб» тижорат кунлари доирасидаги халқаро анжуманда қатнашган Ўзбекистон ССЖ делегациясининг аъзоси, «Тошкент оқшом» рўзномасининг махсус муҳбири.

© Тошкент — Москва — Брюссель.

ДОНОЛАР БИСОТИДАН

Тиркилик чоғинг, билгил, не алоқ бўлурсан, Шу хулқдан мангусан й тирки ўлурсан!

Танбал баланд мақом топмагай эиндор, Гарчи юз ҳийласи бўлса-да бекор.

Хасрав Деҳлванӣ.

Кимки оғир кунингда сенга бўлди ёр, Шодлик дилварингда ҳунма эиндор.

Тўймағир бўлма агар хуш таъизлик тиларсан, Ҳам эл-улус ичра сен чин азизлик тиларсан.

Фаридулдин Аттор.

Ҳар қандай чоғда ҳам умид-ла иша, Опоқ тоғ қиро тун орти дамиша.

Низомий Ганжавий.

Кимки юрғай тўғрилик хислатидан гар йирок, Ул касининг бўлганидан бўлмагани яхшироқ.

Алишер Навоӣ.

Фарсийдан Дилмурод САИДОВ таржималарки.

Биродарлашган шаҳарлар дўстлиги

© ТОШКЕНТ БИЛАН БИРОДАРЛАШГАН БЕЛЬГИЯНИНГ КОРТРЕЙК ШАҲРИДАН ЖУМҲУРИЯТ ВИЦЕ-ПРЕЗИДЕНТИ Ш. Р. МИРСАИДОВ БОШЧИЛИК ҚИЛГАН ЎЗБЕКISTON ССЖ ДЕЛЕГАЦИЯСИ ҚАЙТИБ КЕЛДИ. ДЕЛЕГАЦИЯ КОРТРЕЙКНИНГ 800 ЙИЛЛИГИ БАЯРАМИ ТАНТАНАЛАРИДА, У ЕРДА ЎТКАЗИЛГАН «ШАРҚ — ҒАРБ» ТИЖОРАТ КУНЛАРИ ДОИРАСИДАГИ ХАЛҚАРО АНЖУМАНДА ИШТИРОК ЭТДИ.



КОРТРЕЙКДАГИ ТИЖОРАТ КУНЛАРИДАН



лар ўртасидаги биродарлик муносабатлари ҳақида ҳар қанча илқ гапларни айтиш мумкин. Шу маънода бу ерда имзоланган ана бир ҳужжат тўғрисида ҳам гапириб ўтиш керак. Халқаро анжуман ниҳонисда Бельгиядан Кортрейк, ССЖИдан Тошкент ва АҚШдан Гринвилл шаҳарлари ўртасидаги узаро алоқалар тўғрисида битим имзоланди. Уни Кортрейк шаҳри мэри, бургомистр А. Сансен, Гринвилл мэри У. Воркман III ва Тошкент шаҳар Кенгаши икрония кўмитаси раисининг ўринбосари, шаҳар режа комиссиясининг раиси Б. Ғ. Нўлдосев имзоладилар.

Бу ерда яна бир нарсани алоҳида

ўтди. Ана ўшанда бельгияликлар Ўзбекистоннинг ҳаёти билан биринчи бор яқиндан танишишга муяссар бўлдилар. Ўзбек мусаввирларининг асарлари дейсизми, амалий санъат музейининг экспонатлари дейсизми, «Баҳор» ансамбли бир гуруҳ санъаткорларининг дилрабо ва жозибали қўшиқ ҳамда рақслари дейсизми, хуллас буларнинг ҳаммасидан улар хабардор бўлишди.

Ҳозирги пайтда Тошкент билан биродарлашган Кортрейк шаҳрида таниқли ўзбек мусаввири Баҳодир Жалоловнинг ўзининг 800 йиллигини нишонлаган ана шу шаҳар тарихига бағишланган асари шаҳар аҳолиси ва меҳмонларидан аўр қизиқиш уйғотмоқда. Ҳозир Бель-

моқда. Бу туркум мақолалардан бир қанчаси Кортрейк шаҳри билан биродарлашган Тошкентга бағишланган.

Чиндан ҳам бундай биродарлик алоқалари турли мамлакат халқларини бир-бирига яқинлаштиради. Шу маънода Американинг Жанубий Каролина штатидаги Гринвилл шаҳрининг ҳам Тошкент билан биродарлик алоқаларини ўрнатишга истак билдирганлигини таъкидлаб ўтиш керак. Тижорат кунлари доирасида ўтказилган анжуманда қатнашган АҚШнинг Жанубий Каролина штатидан ташриф буюрган даромаддорлар ва амалий давра кишилари бу борадаги фикрларини изҳор этдилар.

Ҳа, халқлар ўртасидаги дўстлик

© СУРАТЛАРДА:

Кортрейк шаҳрининг 800

йиллигига бағишланиб

ўтказилган «Шарқ —

Ғарб» тижорат кунлари

доирасидаги халқаро ан-

жумандан лавҳалар.

Муаллиф суратлари.



Душанба, 17

18.00 Кўрсатувлар тартиби. 18.05 Янгиликлар. 18.10 «Ҳақиқатга ақирроқ воқеа»...

22.50 «Ғариб чоллар» Бадий фильм («Мосфильм»). 00.20 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

19.00 Кўрсатувлар тартиби. 19.05 «Ассалому алайкум», Мусиқий кўрсатув (такорр).

17.00 «Россия тароналари». Халқ кўшиқлари ижрочилари 1 Бутунроссия телерадио тилловининг очилишига бағишланган концерт.

22.00 «Бир куни Кусковода». Л. Яковсоннинг хореографик мине-туралари. 22.35 Муаллифлик телевидениеси.

11.35 Астрономия 11-синф. Сай-бралар. 12.05 «Онам, дадам ва мен. Бо-ле икки йилга тўлганда».

19.00 «Время» (сурдо таржимаси билан). 19.30 Грузин халқ кўшиқчилари 1 халкоро фестивали. Тбилисидан кўрсатилади.

Сешанба, 18

11.25 Кўрсатувлар тартиби. 11.30 «Хох ишон, хох ишонман»...

19.45 «Фармон ва ижро». Ҳарбий хизматга қақирш масалалари бўйича бевосита мулоқот.

ДУШАНБЕ КЎРСАТАДИ: 21.30 Москва. «Время». 22.00 «Сухановни Ҳамзабон».

11.30 «Бу бўлган... бўлганди...». 11.55 Болалар соати (француз тили дарси билан).

Саккиз серияли телевизион ба-дий фильм. 2-серия. 21.30 «Время».

9.35, 10.35 Жўррофия. 8-синф. ССЖИнинг ер ресурслари. 10.05 Француз тили. 1-йил шу-гулламаётганлар учун.

20.00 «Время» (сурдо таржимаси билан). 22.00 Хоккей. «Известия» рўзно-масининг соврини учун халкоро турнир.

Чоршанба, 19

11.25 Кўрсатувлар тартиби. 11.30 «Кувонч». Болалар учун фильм-концерт.

Байналмилалчи жангчилар уюш-маси ҳақида. 19.30 «Ахборот» (рус тилида).

19.50 «Мангу йул». Телефильм. 20.00 «Тошкент» хабарлари. 20.10 «Сухбатга чорлаймиз».

16.00 «Бор бўл, мусика!». 16.45 Биз ва кўрсатидёт. «КамАЗ бугунги кунда».

20.30 Александр Левшин куйлай-ди. 20.40 «Барча дарёлар оқадим».

17.50 «Вертикаль». «Концертдан олдин». Телевизион ҳуж-жатли фильм премьераси.

18.15 ССЖИ халқ депутатлари тўртинчи сьезида.

Пайшанба, 20

11.25 Кўрсатувлар тартиби. 11.30 «Игитчи». Болалар учун фильм-концерт.

20.30 «Ахборот». 20.50 «Узбекистон ССЖ Ички иш-лар вазирлиги матбуот марке-зи хабар қилади».

ДУШАНБЕ КЎРСАТАДИ: 21.30 Москва. «Время». 22.00 «Хайти дехот».

13.40 Шахмат бўйича жаҳон чем-пионатда. 17.15 «Кутилмаган рекурс».

21.30 «Время». 22.00 П. Доминго, Л. Паваротти, Х. Каррерас иштирокида Рим-дан концерт.

13.05 Такрорий телефильмлар се-анси. «Умидворлик билан ку-таман» 1-серия (А. Довжен-ко номли киностудия).

20.15 Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар! «Ун икки ой».

Жума, 21

11.25 Кўрсатувлар тартиби. 11.30 «Электраштриш — дав-рлар мулоқоти».

20.30 «Ахборот». 20.50 «Узбекистон ССЖ Ички иш-лар вазирлиги матбуот марке-зи хабар қилади».

ДУШАНБЕ КЎРСАТАДИ: 21.30 Москва. «Время». 22.00 «Камалак».

17.15 «Мальта. Дўстлик байра-ми» Мальтада Россия мада-нияти оялиги ҳақида.

9.00 Эрталабки бадантарбия машқлари. 9.15 «Флоридада «Бахтли тесо-диф»».

13.05 Такрорий телефильмлар се-анси. «Ун олти шаҳарлик ўн олти қиз» (Венгрия).

20.15 Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар! «Ун икки ой».

Шанба, 22

8.00 «Ассалому алайкум». Му-сиқий кўрсатув. 9.00 «Соҳил». Бадий фильм. 1-серия («Мосфильм»).

22.00 «Бобур». Пиримкул Кодир-овнинг «Юлдази тунлар» ро-мани асосида кўп серияли ви-деофильм премьераси.

ДУШАНБЕ КЎРСАТАДИ: 9.00 «Савту калом». Адабий-му-сиқий кўрсатув. 9.55 «Шифо». Тележурнал.

19.00 «Новостин». 19.30 «Гулини». Концерт. 20.30 «Ахборот».

«Ғоя қанча тиради» 13.45 «Партиёр». 14.15 «Ер — она масканимиз».

22.35 Россиянинг парламент хе-бармаси. 22.50 «Миллет-шоу».

16.15 АКШ мультфильми про-граммаси. 16.45 Россиянинг маданий ҳаёти.

Якшанба, 23

8.00 «Ҳафтанома» (такорр.). 9.00 «Соҳил». Бадий фильм. 2-серия.

19.50 «Узбекистон халқ артисти, бастакор Мухаммадҷон Мирза-евнинг ижодий кечаси».

22.00 «Бобур». Пиримкул Кодир-овнинг «Юлдази тунлар» ро-мани асосида кўп серияли ви-деофильм премьераси.

15.00 «Қишлоқ янгиликлари». Па-норама. 16.15 «Педагогика ҳамма учун».

9.30 «Камбағаллашу». Телевизи-он ҳужжатли фильм премьераси.

17.00 «Россия тароналари». Халқ кўшиқлари ижрочилари 1 Бутун-россия телерадио тилловининг очилишига бағишланган концерт.

21.00 Телевизион ҳужжатли фильм. 21.30 «Время» (сурдо таржимаси билан).

ТОШКЕНТ ОҚИМИНИ (Вечерний Ташкент) — орган Ташкентнинг горнола Миллати Узбекистана и ровадского Совета народных депутатов.